

Имом Барзанжий ва унинг мавлид асари ҳақида

05:32 / 24.03.2017 10194

Бисмиллаҳир Роҳманир роҳим

Мана Робиъул аввал ойи ҳам кириб келди. Бу ой инсоният учун нажот умидини тақдим этган, улкан бахту саодатлар эшиги очган ойдир. Бу ой бутун оламларга раҳмат ва баракот манбаи бўлган зотнинг қуёши дунё узра илк бор порлаган ойдир. Бу ой икки жаҳон сарвари, Одам болаларининг афзали, охир замон Пайғамбари севиқли Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топган ойдир.

Бу ой барча мусулмонлар учун қадрли бўлган, муҳим фурсат ҳисобланган ойдир. Шу боис, бутун Ислом олами бу ойни ўзгача тайёргарлик билан кутиб олади ва мусулмонлар истиқомат қилаётган деярли барча мамлакатларда бу ой Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини ўрганиш ойи сифатида ўтказилади. Жумладан, бизнинг юртимизда ҳам мавлид китобларини ўқиш, шу ниятда йиғинлар уюштириш анъанага айланган.

Мавлид маросимлари Ислом оламда кенг тарқалганидан, унинг жоизлиги хусусидаги асарлардан ташқари, бундай йиғинларни қандай ўтказиш ҳақида ҳам алоҳида рисоалар битилган, мавлид китобларга шарҳлар ёзилган.

Ўрта Осиё ва бошқа кўплаб мусулмон мамлакатларда мавлид маросимларида Жаъфар Барзанжийнинг мавлид асарларини ўқиш урф бўлган. Хўш, Барзанжий ўзи ким бўлган? Қачон яшаб ўтган? У кишининг мавлиди нима учун кенг тарқалган? Бизнингча, бу саволлар кўпчиликни қизиқтирса керак. Шу боис, фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларга ушбу мазмунда ўзимиз билган, ўқиганларимиздан қўлдан келганича маълумот беришга ҳаракат қилдик. Бу камтарона уриниш муҳтарам ўқувчилар учун мавлид ойи тухфаси бўлса, ажаб эмас. Аллоҳ таолонинг Ўзи манфаатли қилсин.

Имом Барзанжий ва унинг мавлид асари

Исми ва насаби: Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг тўлиқ исми қуйидагича: Саййид Жаъфар ибн Ҳасан ибн Абдулкарим алМазлум ибн Муҳаммад ибн Абдурросул алБарзанжий алМусавий алҲусайний аш-Шофеъий алМаданий. Имом Барзанжийнинг насаби Жаъфар Содиқнинг ўғли Мусо алКозим орқали имом Ҳусайн ибн Алий розияллоҳу анҳумга бориб тақалади ва Пайғамбаримизнинг авлодларидан ҳисобалнади. У кишининг лақаблари Зайнулобидийн бўлган.

Барзанжийнинг отабоблари Мадинаи Мунавварада шофеъий мазҳабининг йирик уламоларидан бўлган.

Таваллуди: Жаъфар Барзанжий 1126 ҳижрийда Мадинаи Мунавварада илм-маърифатли оилада таваллуд топган.

Ҳаёти: Жаъфар Барзанжий ёшлигида отаонаси қўлида таълим олади, хусусан отаси Саййид Ҳасандан Қуръони Каримни таълим олади. Шайх Исмоил Яманийдан Қуръони Каримни ёд олади ва бир нечта устозларга ўқиб беради. Жумладан, Шайх Юсуф Соиъидий, Шамсуддин Мисрий, Саййид Абдулкарим ибн Ҳайдар Барзанжий, Саййид Атоуллоҳ Ҳиндий, Саййид Муҳаммад Ҳаёт Санадий, Шайх Юсуф Курдий.

Кейин Маккаи Мукаррамага сафар қилиб, у ерда беш йил илм талабида бўлади, кўплаб уламолардан таҳсил олади. Жумладан, Атоуллоҳ ибн Аҳмад Азҳарий, Абдулваҳҳоб Тантовий, Аҳмад Ушбулий.

Тасаввуфда у кишининг устозлари Мустафо Бакрий ва Атийятуллоҳ Ҳиндийлар бўлган ва у кишига тариқатда мазкур Мустафо Бакрий, Саййид Муҳаммад Табарий ва Шайх Муҳаммад Тоййиблар ижоза берган.

Жаъфар Барзанжий келишган, юзи порлоқ, чиройли, қошлари туташган, оҳукўз, қирра бурунли, қалин соқолли, овози баланд, буғдойранг, кўркам киши эди. Унинг ахлоқи ҳам кўриниши каби гўзал эди. У жуда ҳам камтар, тавозели, кўнгли тоза, кечирмли, кенг феълли одам эди.

Уни ўз даврининг «Нававий»си, дейишарди ва «Кичик Шофеъий» деб аташарди. У етук олим, фақиҳ, муҳаддис, сер ибодат обид, жуда ҳам моҳир адиб, ўткир нотик, фазилатли солиҳ киши бўлган.

Жаъфар Барзанжий етук олим бўлиб етишгач, 1159 ҳ. Рамазон ойидан бошлаб Мадинаи Мунавварада Масжиди Набавийда дарс беришни бошлаган. У киши кўп илмларда чуқур билимга эга эди. Хусусан, шофеъий мазҳабидаги фуруъий масалаларда жуда ҳам моҳир бўлган. Унинг дарс беришдаги маҳорати ҳам барчани қойил қолдирар эди.

Мадинаи Мунавварада шофеъий мазҳаби бўйича муфтийлик мансабига Жаъфар Барзанжийнинг катта бобоси Муҳаммад ибн Абдурросул ал-Барзанжий (1103ҳ) давридан бошлаб ушбу оила уламолари сайланар эди. Жаъфар Барзанжий ҳам илм ўз навбатида ушбу хизматга ўтган ва умрининг охиригача шофеъи мазҳаби бўйича Мадина муфтийси лавозимида ишлаган. Ушбу оиланинг мазкур мансабда хизмат кўрсатган охирги вакили 1365 ҳ.да вафот этган Саййид Муҳаммад Закий ибн Аҳмад Барзанжий бўлган.

Имом Жаъфар Барзанжийга айрим кароматлар ҳам нисбат берилган. Жумладан, бир йили қуғоқчилик бўлади. Шунда Жаъфар Барзанжий Ҳарамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарларида хутба қила туриб, ёмғир сўраб дуо қилади. Бирдан булут келиб, ёмғир ёға бошлайди, Мадина кўчалари сел бўлиб оқади. Бу воқеа ҳақида ҳатто шоирлардан бири шеър ҳам битади.

Имом Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳи 1177 йили Шаъбон ойининг чоршанбасида Мадинаи Мунавварада вафот этади ва Бақеъ қабристонига қўйилади. Аллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин ва ётган жойларини жаннат боғларидан айласин. Амин.

Ёзган асарлари:

1. «Иқдулжавҳар фи мавлиди Набиййилазҳар». Бизда мавлид китоби деб танилган асар мана шу.
2. «АлКашф алМуҳаммадий». Тарихга оид.
3. «Изоату аддарорий фи шарҳи «Саҳиҳ алБухорий». Ибн Ҳажар Асқалоний шарҳининг талхиси.
4. «Алишаъаҳ фи ашротиссаъаҳ».
5. «Арровдотуланзаҳ фи манақиби саййидина Ҳамзаҳ». Ҳамза ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳунинг ҳаётлари ҳақида.

6. «Жалиятулкуроб фи асхаби саййидилажам валароб». Бадр ва Уҳудда қатнашган саҳобалар ҳақида.
7. «АлБурд алмуҳбар алҳаваший фи манақиби ашшайх Аҳмад ал-Қашаший».
8. «АшШақоик алутружжийя фи манақиби ассадатилбарзанжийя».
9. «АлЖаний адданий фи зикри набзатин мин манақиби алҚутбу ар-Роббаний асСаййид Абдулқодир алЖийлоний».
10. «АлҒосн алвардий фи ахбари асСаййид алМаҳдий».
11. «ФатҳурРоҳман ғала ажвибати асСаййид Рамазон».
12. «АлБирр алъажил биижабати ашшайх Муҳаммад Ғофил».
13. «АлФайз алЛатиф биижабати Наиб ашшаръ ашшариф».
14. «Қиссотул миърож».

Имом Жаъфар Барзанжий ўзининг мавлид китобини насрда ёзгандан кейин уни назмга солиб шеър ҳам қилган. Бизда кўпроқ у кишининг насрий асарини ўқиш урф бўлган. Унда муаллиф ҳамду санодан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насабларини бирмабир санаб ўтади. Кейин у зотнинг таваллудлари арафисдаги ҳолатлар ҳақида сўз юритади. Ундан кейин у зотнинг туғилишлари ва гўдаклик даврларини баён қилади. У зотнинг Ҳалима онамиз тарбияларада кечирган кунларини, «Шаққи садр» воқеасини зикр қилади. Кейин эса йигитлик пайтларини, Хадича розияллоҳу анҳога уланишларини айтиб ўтади. Ундан кейин илк ваҳий ҳодисасини, кейин эса Меърож воқеасини баён қилади. Ниҳоят, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шамоиллари, у зотнинг ахлоқлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. Асарнинг охирини мавлид йиғинларига мос бир дуо билан якунлайди.

Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг назмий мавлиди ҳам худди шу тартибда битилган. Фақат унда маълумотлар бироз чегараланган.

Аслида Барзанжийнинг мавлиди каби насрий ва назмий мавлидлар кўп. Мисол учун, Абдурраҳмон Дуйбаъийнинг «Мавлиду Дуйбаъий» асари каби. Аммо бутун Ислом оламида, хусусан, бизнинг диёрларда айнан Барзанжийнинг мавлиди кенг тарқалган ва барча томонидан қабул қилинган. Бунинг, албатта, ўзига яраша сабаблаи бор. Жумладан:

1. Асарнинг тили ўта адабий ва енгиллиги. Чунки, асарнинг тили агар ёқимли бўлмаса, кишини зериктириб қўяди. Бу ерда муаллифнинг ўта моҳир адиб эканликлари иш берган.
2. Асарда берилган маълумотларнинг ишончлилиги. Барзанжий мавлидида маълумотлар анча сараланган. Кўп мавлид китобларда тўқима гаплар кўпайиб кетган. Бу эса, албатта, уламоларнинг эътирозига сабаб бўлади.
3. Асарнинг тузилиш. Барзанжий мавлиди назм бўлиб маълум шеърий вазнга туширилган ҳам эмас, шу билан бирга, тўғри насрий ҳам эмас. Балки иккисининг орасидаги услубда ёзилган. Бу услубни «наво» услуби ҳам дейилади. Унда гаплар сажъ – қофия билан тугайди, аммо шеърий вазнга солинмайди.
4. Асардаги тартибнинг гўзаллиги. Барзанжий Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сийратларини қисқа шаклда ёритиб ўтар экан, унда воқеалар ривожини тарихий тартибда олиб борган.
5. Асарда муаллиф ўзининг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатини, шавқзавқини қалам тили билан ифода эта билган ва мўмин кишининг ўз Пайғамбарига қандай муҳаббатда бўлишини бир қисм кўрсата олган. Бу, албатта, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга муҳаббатли қалбларни ром қилиши турган гап.

Асар кичик бўлиб, шунга қарамай, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларидаги асосий нуқталарни қамраб олгани. Асарнинг қисқалиги, маълумотларни лўнда қилиб бергани уни осон ёдлаш имконини берган. Шу билан бирга, у сийрат борасида қимматли маълумотларни ўз ичига олган. Жаъфар Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг мавлидлари кенг тарқалишига яна бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, у кишининг китобни ёзишдаги ихлосмуҳаббатлари бунга асосий сабаб бўлган бўлса керак.

Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг мавлидига кишиларнинг қанчалар эътибор берганини, муҳаббат қилганини айрим уламоларимиз томонидан бу асарга турли шарҳ ва назиралар ёзилганидан ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан:

1. «Ал-қовлул мунжий ўала мавлидилБарзанжий». Мавлид шарҳи. Муаллиф: Муҳаммад ибн Аҳмад Алий Моликий. 1269 ҳ. Робиъус соний ойида ёзиб тугатилган.

2. «Ал-кавкабул анвар ала иқдил жавҳар». Барзанжийнинг Мадинаи Мунаварадаги авлодларидан Жаъфар ибн Исмоил ибн Саййид Зайниддин ибн Саййид Жаъфар Барзанжий (1250/1317х) томонидан ёзилган шарҳ. Асар 1279 ҳ.с. шаъбон ойида ёзиб битирилган.
3. «Талҳинуссонжи шарҳу мавлид алимам алБарзанжий». Абдурраҳим Моликий алЖуржовий. Асар 1321/1903 санада Мисрда чоп қилинган.
4. «АшШаҳид алМунжий лилМавлид алБарзанжий». Шайх Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Солиҳ Хазражий қаламига мансуб назира. Муаллиф унда Барзанжийнинг насрий мавлидидан иқтибос келтириб, шеърий мавлид битган.
5. «Фатҳул вадуд ѓала шарҳил мавлуд». Марғилонлик машҳур олим Фозилжон Махдум Марғилонийнинг ўзбек тилидаги шарҳи.

Жаъфр Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг мавлидлари кенг тарқалишига яна бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, у кишининг китобни ёзишдаги ихлос–муҳаббатлари ва халқ орасидаги маконатлари бунга асосий сабаб бўлган бўлса керак.

Аллоҳ ўтган азизларимизни Ўз раҳматига олсин ва бизларни уларга яхшиликда эргашишимизни насиб этсин.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид